

О‘zbekiston Respublikasi  
Samarqand viloyati  
Oqdaryo tumani  
НОКИМИ  
ҚАРОРИ



РЕШЕНИЕ  
ХОКИМА  
Акдарьинского района  
Самаркандской области  
Республики Узбекистан

2020 у.г. « 16 » ноябрь

№ 977 -Қ

Оqdaryo t., - р.Акдарья

Оқдарё туман Пахтаобод маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан “Ёшлар меҳнат гўзари” комплексини қуришга ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар келажагимиз” давлат дастури тўғрисидаги 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сонли фармони, Самарқанд вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг 2020 йил 21 июлдаги 01-120-сонли экологик хулосаси, Самарқанд вилоят қурилиш Бош бошқармаси ҳузурдаги “Архитектура-шахарсозлик Кенгаши”нинг 2020 йил 7-августдаги 29-сонли йиғилиш баёни, Оқдарё туман Пахтаобод маҳалла фуқаролар йиғини Мустақиллик кишлоғида яшовчи фуқаро Ўроков Миржалолнинг туман ҳокими номига ёзган аризаси ва туман ҳокимлиги қошидаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 04-ноябрдаги далолатномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунининг 6-25-моддаларига асосланиб;

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Оқдарё туман Пахтаобод маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 0,08 га ер майдонини “Ёшлар меҳнат гўзари” комплекси қуриш учун ажратиб бериш тўғрисидаги туман ҳокимлиги қошидаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 04-ноябрдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Оқдарё туман Пахтаобод маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан Ўроков Миржалолга кишлок хўжалигида фойдаланилмайдиган 0,08 га ер майдонидан “Ёшлар меҳнат гўзари” комплекси бинолари қуришга руҳсат берилсин.

3. Фуқаро Ўроков Миржалол зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилсин.

- Давлат хусусий шерикчилиги асосида яратиладиган иш ўринларининг 70 фоизидан кам бўлмаган қисмини 5 йил давомида ёшларни иш билан таъминлаш мажбурийати;

- “Ёшлар меҳнат гўзари” комплекслари бинолари қуриш учун АРТ ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб, вилоят Қурилиш Бош Бошқармаси билан келишиш;


- “Ёшлар меҳнат гўзари” комплекслари биноларини белгиланган шаҳарсозлик талаблари асосида келишилган АРТ ва тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари асосида қуриш;

- Лойиҳани экспертизадан ўтказиш ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекциясидан руҳсатнома олиш;

4. Ер участкасини натурага кўчириш ишлари “Ўз ГАШКЛИТИ” ДУКнинг ваколатидаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман бош Архитектори (Ж.Абдуллаев) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиғи (В.Муродов)лар зиммасига юклатилсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Аролов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

 Н.Сулаймонов